

ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ АСОСИДА ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБЛАРИ

Эватов Саминжон Собирович

Фарғона давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7807695>

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этишда устувор аҳамиятга эга бир қатор принципларга амал қилиниши зарур. Жумладан, ўсмир ёшлар томонидан илгари сурилган ҳар қандай ташаббусни тўғри йўналтириб, қўллаб-қувватлаш, уларга ҳурмат билан ёндашиш керак бўлади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни қамраб олади:

- ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг мулоқот маданиятига таъсир этувчи субъектлар;
- ўсмир ёшдаги ўқувчилар мулоқот кўникмларининг индивидуаллиги;
- турли жинс ёшларининг ижтимоий муносабатларига хос хусусийлик;
- ўсмир ёшдаги ўқувчиларни қамраб олган ижтимоий муҳит;
- ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникативликка рағбат уйғотувчи ўқув муассасалари ва оила тизимидан иборатдир.

Тадқиқотчи Б.Умаровнинг фикрича, «мактаб ўқувчиларнинг коммуникатив вазиятлари, учрайдиган турли муаммоли вазиятларнинг намоён бўлиши, улардаги мулоқотни амалга оширишда адекват мулоқот кўникмалари шаклланганлик даражасининг пастлиги, мулоқотга фаол киришишдаги тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари мавжуд эмаслиги ёки камлиги ўқувчилар ўртасидаги шахслараро муносабат ва таълим олиш самарадорлигига салбий таъсир этиши табиий»¹. Бу жараёнда диалогик дискурсларнинг ўрни юқори ҳисобланади.

Тадқиқотчи нуқтаи назари бўйича, «дискурсда баҳо бир шахснинг ҳаётий тажрибаси, баҳоланувчи объектга қайси нуқтаи назаридан ёндашуви ва муносабат билдириши, тажрибаси, компетентлиги ва яшаш тарзи кабилар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай ҳаракат сингари ўқувчиларнинг ўзаро коммуникатив хатти-ҳаракатлари вазиятни таҳлил қилиш қилиш ва баҳолаш, мақсадни шакллантириш ва тезкор режа амалга ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади»². Муайян нутқий вазиятда сўзловчи маълум бир коммуникатив мақсадни кўзлаб, ҳамсухбатига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказди. Демак, дискурс таҳлил ўқувчиларнинг эркин фикр алмашиш, муносабат билдириш, бир-биридан ўрганиш ва ўргатишга имкон берадиган дўстона, ижодий муҳит яратиш лаёқатлари объектив баҳоланибгина қолмай, бошқа жиҳатларини ҳам, яъни мазкур инструментдан фойдаланиш ижтимоий фаол фуқарони, ҳаётда дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишда вазиятларни кўпроқ муҳокама қилиш, бошқаларга

¹ Умаров Б. Дискурс таҳлил - ўқувчилар коммуникатив компетентлигини баҳолашнинг усули сифатида. Замонавий таълим. 2021, 3 (100). –Б. 60.

² Умаров Б. Дискурс таҳлил - ўқувчилар коммуникатив компетентлигини баҳолашнинг усули сифатида. Замонавий таълим. 2021, 3 (100). –Б. 60.

тушунтириб бера олишда кутилган самарани олишга қобилиятлари аниқланади. Шунинг учун ҳам, мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини самарали ривожлантиришга устуворлик берган таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогик жамоалар томонидан ушбу дискурс таҳлил имкониятларидан фойдланиш орқали ўқувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим ютуқларига эришишни таъминловчи психологик-педагогик шароитни яратади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга қаратилган педагогик таълимнинг қуйидаги функциялари ажратиб кўрсатилади:

1. Рефлексия функция (лотин тилидан *relatio* - хабар) маданиятни (таълим, профессиограмма, фуқаролик фазилатлари даражасида ва бошқалар) ижтимоийлаштириш ва педагогик фаолиятга кириш жараёнида орттирилган муайян вазиятларни ўқувчилар томонидан ривожлантиришга қаратилган.
2. Регулятив функция (лот. *Regulare*- тартибга солиш, йўналиш бериш) хатти-ҳаракатларнинг муайян стандартларини ишлаб чиқишга ва шахснинг хатти-ҳаракатлари ҳамда ишларини ижтимоий назорат қилишга қаратилган.
3. Аксиологик функция (юнонча *axios* - қимматли) ҳар қандай ижтимоий институтда унинг барча аъзолари ёки уларнинг аксарияти баҳам кўрадиган асосий қадриятлар тизимининг мавжудлиги билан боғлиқ.
4. Интеграцион функция (лот. *integer* - яхлит) педагогик фаолият мақсадлари ва натижалари учун нафақат алоҳида ижтимоий институтнинг муваффақиятли ишлаши, балки бутун жамият манфаатлари устувор бўлиши кераклигини кўрсатади.
5. Таълим функцияси ўқувчилар ўртасида улар фаолият юритадиган дунё тўғрисида билимлар тизимини шакллантириш; иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фан, маданият асосланадиган фундаментал илмий тамойилларни ўқитиш ва мустаҳкамлаш; педагогик фаолият субъекти сифатида бўлажак мутахассиснинг умумкасбий ва ихтисослик билимлари, кўникмалари ва қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш. Худди шу функция ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг илмий билимларни, тадқиқот ва илмий-техник фаолият натижаларини тарқатишда иштирок этиши орқали амалга оширилади.
6. Тарбиялаш функцияси - бу (ўқувчиларнинг ўқув, билим, меҳнат, тўғарак ва бошқа турлардаги ўзаро муносабатлари) нафақат педагогик соҳада аҳамиятга эга бўлган билим ва кўникмаларни, балки ҳаётий муносабат ва тамойилларни, маданий, ижтимоий ахлоқ нормалари, қадриятлари, идеаллари тушунчалари ва уларга тегишли хулқ-атвор стандартларини шакллантириш. Педагогик таълимнинг ижтимоийлашув натижаси - бу ўқувчиларнинг атрофдаги дунёга, ўзлаштираётган касбига ва ўзига нисбатан маънавий-қадриятли ҳамда норматив хулқ-атворининг барқарор тизими. Ушбу натижа келажакдаги мутахассисни тарбиялаш ва муваффақиятли ўқитишда аниқ акс этади.
7. Ривожлантириш функцияси педагогик билим ва кўникмаларни таъминлабгина қолмай, балки шахсиятни ривожлантирадиган, уни мустақил ижодий ҳаётга, ҳақиқий ўзини ўзи англашга тайёрлайдиган «инсон институти» туридир. Таълим босқичларида инсон ривожланишининг асосий мезонлари ақл ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини англаш ва ривожлантириш, ўз-ўзини ривожлантириш тушунчаси зарур, жумладан, ҳиссий-иродали ва мотивацион-эҳтиёж жиҳатларни ташкил қилиш аҳамиятли.
8. Дунёқараш функцияси - ўқувчиларнинг замонавий ютуқларга мос келадиган яхлит дунёқараш ва муносабатини шакллантириш (фундаментал фанлар). Ўсмир ёшдаги

ўқувчилар мулоқотчанлик қобилиятига эга бўлиши, ўз ҳаётини, яшаш муҳити ва ўзаро алоқасини қуриши керак.

Шундай қилиб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш қуйидаги масалаларни ҳал қилиш орқали амалга ошади:

- мотивация – ўқувчиларнинг ижтимоий педагогик фаолиятнинг мақсади, мазмунини англашлари.
- қизиқиш – ўқувчининг ҳаётнинг ижтимоий соҳасидаги зарур фаолият ва муносабат жараёнига ва унинг самарасига қизиқишнинг ортиши.
- эгаллаш – ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантириш масалалари бўйича назарий ва амалий билимини ошириш.
- ўз-ўзини назорат қилиш – олинган натижалар таҳлили ва уларни қутилганлари билан қиёслашга ўргатиш.

Хулоса қилганда, коммуникатив компетентлиги орқали ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоий ҳаётида ва муносабатларда фаол иштирок қилиш ва жамоада тўғри хулқ-атворда бўлиш кўникмаларига эга бўладилар. Уларнинг ахлоқий етуклиги, ўз жамоасида яшаш ва меҳнат қилиш, шахсий манфаатларини умумий манфаатларга бўйсундириш қобилияти кузатилади. Бундай фаолиятда ўсмирлар бошқаларга нисбатан меҳрибонларча ва ғамхўрлик муносабатида бўладилар, интизомлилик ва уюшқоқликни, одоблилик ва камтарликни, батартибликни, топширилган топшириқ, иш борасида интизомлилик ва уюшқоқликни намоён этадилар. Уларда ахлоқий онг ва ахлоқий тажрибанинг бирлиги асосида ижтимоий кўникмалар шаклланади, ривожланади ва мустаҳкамланади. Бу эса уларда коммуникатив кўникмаларни ижтимоий муносабатлардаги самарадорлиги сифатида амоён бўлади.

References:

1. Умаров Б. Дискурс таҳлил - ўқувчилар коммуникатив компетентлигини баҳолашнинг усули сифатида. Замонавий таълим. 2021, 3 (100). –Б. 60.
2. Умаров Б. Дискурс таҳлил - ўқувчилар коммуникатив компетентлигини баҳолашнинг усули сифатида. Замонавий таълим. 2021, 3 (100). –Б. 60.
3. *Evatov, S. S. (2020). MODERN SOCIAL AND PEDAGOGICAL MEASURES FOR THE DEVELOPMENT OF SOCIAL COMPETENCE AMONG STUDENTS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(7), 484-489.*
4. *Evatov, S. S. (2021). FORMATION OF STUDENTS COMMUNICATIVE COMPETENCE IN THE PROCESS OF CONTINUOUS EDUCATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 13-19.*
5. *Sobirovich, E. S. (2021). Developing Communicative Competence of Students: Historical and Pedagogical Experience. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 2(5), 108-111*